

ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖАЗОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Суёнов Шахзод Шовкатович*1

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ўқитувчиси

Хушвақтов Билол Умарбек ўғли *2

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7824575>

Инсоният тарихини мажозий маънода олиб қараганимизда, унинг ёвузликка ва жиноятчиликка қарши курашлари тарихидан иборат дейишимиз мумкин. Ҳатто, инсоният тарихи мисли қўрилмаган ва ҳозирги давр маданиятли кишиси тасаввурига сиғмайдиган жазоларни ижро этилиши гувоҳига айланган. Инсоният цивилизацияси янги босқичларга кўтарилгани сари жиноятчиликка қарши курашнинг ҳам янги ўзига хос услублари яратила бошланди.

Ўтган XX асрда кўплаб кашфиётлар, тарихий ўзгаришлар билан биргаликда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида ҳам улкан ютуқларга эришилди. Инсон онгининг такомиллашуви билан жамият ижтимоий ҳаётидан жиноятчиликка қарши курашишдан фақат давлат манфаатдор эканлиги каби нотўғри тушунчалар ҳам чиқариб ташланди. Энди жиноятчилик ва жиноят содир этган шахсларга қарши курашиш ва уларни тарбиялашда бутун жамият аҳолиси иштирок эта бошлади.

Ҳозир гал жиноят содир этган шахсга тайинланадиган жазо ва ундан келгусидан кўзланган мақсад нима деган савол устида бормоқда. Бугунги кунда жиноят содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазо тўғрисида олимлар, мутахассислар ўртасида доимо тортишувлар бўлмоқда, улар томонидан хилма-хил фикр ва мулоҳазалар билдирилмоқда.

Маълумки, жиноят учун жазо тайинлаш фақат судга тегишлидир. Шунга кўра жазо тайинлаш суд фаолиятининг энг масъулиятли қисми ҳисобланади. Айнан ана шу жазо тайинлаш босқичида кўп масала ҳал бўлади. Чунки шу вақтда жиноят қонунининг адолатлилик принципи амалда намоён бўлади, одил судловнинг қай даражада амалга оширилганлигининг бош мезони ҳисобланади.

Фақат жиноят ҳуқуқининг ўзигагина хос бўлган энг муҳим функцияси жазолаш билан огоҳлантириб ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш ва жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жазо қўллаш функциясидир. Жиноий жазо жиноятчиликнинг умумий ва махсус олдини олиш функциясини бажаради.

Жиноий жазо жиноят ҳуқуқининг энг муҳим институтларидан бўлиб, жиноят ҳуқуқи функциясини ҳаётга татбиқ этишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқининг самарадорлиги кўп жиҳатдан жиноий³ жазонинг самарадорлиги ва унинг мақсади билан боғлиқдир.

Демак, жазо жиноятчиликка қарши курашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмасада, унинг олдини олиш ва камайтиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасига кўра “Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ўқитувчиси.

² Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси курсанти.

³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Расмий нашр- Т. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2017й.

қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат бўлган мажбурият чорасидир”.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддасида белгиланишига кўра, жиноий жазо фақат жиноят қонунида кўрсатилади ва давлатнинг мажбурият чораси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жиноят содир қилишда айбланаётган шахсга жиноий жазо суд томонидан тайинлансада, аслида давлат номидан тайинланади.

Жиноий жазо жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситишга қаратилган эмас.

Жиноят учун жазо тайинлашда шахснинг ғайриқонуний қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражаси муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасида жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифланган бўлиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қанча юқори бўлса, жазо шунга мувофиқ қаттиқлашиб боради.

Демак, жазо инсонга жафо келтириш учун эмас, балки уни келгусида жиноий фаолиятини давом эттиришини олдини олиш ва қайта тарбиялаш учун белгиланади.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, жазонинг энгилроғини тайинлайди. Жазонинг энгилроғини тайинлаш имкониятлари бўлмасагина оғирроқ жазо турини тайинлашга ўтилади. Ана шундай қоидага ЖК Махсус қисми моддаларининг санкцияларида ҳам риоя этилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасида жазо тизими келтирилган бўлиб, унга кўра Жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- б¹) мажбурий жамоат ишлари;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари;
- г) хизмат бўйича чеклаш;
- д¹) озодликни чеклаш;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодликдан маҳрум қилиш;
- з) умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган жиноий жазолар ичида энг оғирларидан бири бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазоси суд томонидан шахснинг содир этилган ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун айбли деб топилганида, бир ойдан йигирма йилгача тайинланиши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш қонунда назарда тутилган ҳолларда фақат асосий жазо тариқасида тайинланиши мумкин.

Озодликдан маҳрум қилиш - жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсни махсус ажратилган тарбиявий муассасаларда мажбурий равишда жамиятдан ажратишда ифодаланадиган жазо тури. Озодликдан маҳрум қилиш асосий жазо тури ҳисобланиб уни қўшимча жазо сифатида фойдаланиш мумкин эмас ва у ўз ўрнида жазо тизимида энг оғир жазо ҳисобланади. Бунда маҳкумлар фақатгина жамиятдан ажралиб қолмасдан, балки бошқа чеклашлар ҳам қўлланилади. Масалан ҳаракатланиш, меҳнат фаолиятини танлаш эркинлигидан ҳам маҳрум бўлади, ўз вақтидан фойдаланиш имконияти чекланади ва ҳ.к.

Озодликдан маҳрум қилишнинг мақсади - айбдор (жиноятчи)ни жамиятдан ажратиш йўли билан унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига имкон бермаслик, шунингдек уни Ўзбекистон Республикаси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш ҳамда бошқа шахслар томонидан ҳам бу каби жиноятларни олдини олиш мақсадида уларга огоҳлантирувчи таъсир кўрсатишдир. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаси санкциясида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳоллардагина қўлланилади.

Озодликдан маҳрум қилиш Ўзбекистон Республикаси ЖК моддаси билан белгиланган доирада муайян муддатга суд томонидан тайинланади. Озодликдан маҳрум қилиш муддати 1 ойдан 20 йилгача белгиланган, бир неча жазоларни қўшиш тартибида еса 25 йилгача белгиланиши мумкин. Маҳкумлар озодликдан маҳрум қилиш жазосини турли тарбиявий муассасаларда ўтайдилар, унинг турларини суд ўз ҳукмида белгилаб беради. Улар манзил колониялар, умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колониялар ёки турмалар бўлиши мумкин.

Жиноят содир қилиш пайтида ўн тўрт ёшга тўлган, аммо ўн саккиз ёшдан ошмаган шахслар вояга етмаган шахслар ҳисобланади. Юридик адабиётларда кўпинча вояга етмаганларни икки туркумга бўладилар. Ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларни кичик ёшдаги вояга етмаганлар, ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлганларни катта ёшдаги вояга етмаганлар деб ҳисоблайдилар. Вояга етмаганларга тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш (85-модда) жазоси ана шу қоидага асосланиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунида вояга етмаган (ЖК 85-м.), олтмиш ва ундан катта ёшдаги эркаклар ва аёлларга (ЖК 50-м. 4-қ.) нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси чеклашлар билан қўлланиши белгиланган.

Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси бир ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади, Жиноят Кодекс 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- а) оғир жиноят учун - олти йилгача;
- б) ўта оғир жиноят учун - ўн йилгача муддатга тайинланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- а) оғир жиноят учун - етти йилгача;
- б) ўта оғир жиноят учун - ўн йилгача муддатга тайинланади.

Жазонинг, жумладан, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг самарадорлигини, одатда, илгари шу жазо билан жазоланганларнинг яна янги жиноят содир этишликларининг олдини олиш ва огоҳлантира олиши самарадорлиги белгилаб беради. Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг имкониятларини ошиб бориши ҳам тўғри бўлмайди, негаки у ёки бу жиноят содир бўлиши билан озодликдан маҳрум қилиш жазосига мурожаат қилиш сабаб бўлади. Умуман олганда, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишнинг таъсир кучи етарлича ўрганилиб чиқмасдан озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлланилиши ҳам тўғри бўлавермайди. Кўплаб юрист олимларнинг фикрича,

бунинг боиси шундаки, шахс мўмайгина даромадни қўлга киритиш мақсадида жиноят содир этиб, уни энг осон йўл сифатида баҳолайди, шахс жиноят содир этиш вақтида жазоланмай қолишлиги тушунчаси ҳам катта рол ўйнайди, айрим ҳолларда эса шахс жиноят содир этиш вақтида мен тўғри қиялман, ҳаёт ўзи шундай ёки бу замон талаби деган ҳолатлар ҳам кўп учраб туради. Бу хилдаги ҳолатларда маҳкумга таъсир этиш жуда мушкул вазифа. Бундай ҳолларда маҳкум ўзини жазони ижро этиш муассасининг маъмурияти ишончига кириши, ўзининг маънавий ва ахлоқий ўзгарган шахс сифатида кўрсатиши мумкин. Лекин жазо шахсга ижобий таъсир этганида ҳам унинг кейинги озодликка чиққан давридаги шарт-шароит, унинг атрофидаги муҳит ёки у ўзининг илгариги даврасига қўшилиб қолганлиги ҳолатларида шахсга салбий таъсир қилиш ҳолатлари юқорироқ ҳисобланади. Бундай таъсирнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд албатта. Зеро, шахснинг иродаси қанчалик кучли бўлиши унинг салбий дунёқарашининг ўзгаришига шунча таъсир этиши мумкин⁴.

Шундай қилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноятчиликка қарши курашнинг асосий воситаси бўла олмайди, аммо шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини алоҳида шахсларнинг ёки бир гуруҳ шахсларнинг тажовуздан ҳимоя қилишда муҳим восита ҳисобланади.

⁴ Дементьев С.И. Лишение свободы. Уголовно-правовые и исправительно-трудовые аспекты. Ростов, 1991.